



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (12.570)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, кадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва қутлуғ воқеа – Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан савимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кўламини ва миқдосига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Бу борада ташкилий-штат тузилмаларини бутунлай қайта қўриб чиқишга, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизимини яратишга, қўшин турларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилишини такомиллаштиришга, уларни замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминлашга, жанговар ва ўқув тайёргарлигининг маъно-мазмунини ўзгартиришга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий аҳвол ва вазиятнинг янада кескинлашиб эҳтимолини инобатга олиб, Қуролли Кучларимиз таркибидagi қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самарадорлиги сезиларли равишда оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақлаб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашайётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани – буларнинг барчаси бизда чуқур тавиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий сиёсий айланиш, бизнинг жанубий сарҳадларимизда ва чегарадош ҳудудларда кескинлигининг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Бундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугунги кунда ҳаммамиздан юксак даражадаги ҳушёрлик ва огоҳликни, чегараларимизда кескинлигини келтириб чиқаришга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик бўйича қатъий чораларни кўришни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳужумларга Қуролли Кучларимизнинг ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини таъминлашга доимо тайёр туришимизни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан юзага келаётган мураккаб вазиятда армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачигидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар ҳатти-ҳаракатларининг фаоллашуви эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш Қуролли

Кучлар, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб ва ҳарбий округлар штабларининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Ана шу асосда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган ҳар қайси йўналишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан, биринчи навбатда, чегара ҳудудларида вуҷудга келадиган хатарларнинг олдини олиш бўйича, ҳарбий округлар ва чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан биргаликда олиб бориладиган ўзаро мувофиқлаштирилган жанговар операцияларни ўтказиш учун, доимий тайёргарлиқни таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундай шароитда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келишиб ҳаракат қилиши, шунингдек, уларнинг биргаликдаги жанговар тайёргарлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур.

Бу борада Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан қўшинларнинг амалдаги ўқув ва жанговар тайёргарлик тизимининг танқидий баҳоланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим яқин ва ўрта мuddатга мўлжалланган истиқболда минтақада юзага келадиган реал ҳарбий-сиёсий вазият талабларига тўла жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибани атрофлича ўрганиш асосида чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги қисмларининг, вертолёт-ҳужум ва махсус операцияларни амалга оширадиган бўлинмаларнинг, биргаликдаги ҳаракатларга жалб этиладиган бошқа қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича, турли модель ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қисм ва бўлинмаларни мазкур тузилмаларнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда ошириш имконини берадиган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган режа ва дастурларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Жанговар тайёргарлиқни сақлаш учун, шунингдек, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқарадиган ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташкил этиш учун мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Жанговар взвод ва гуруҳларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш борасидаги ишларни, ушбу бўлинмалар командирларига ва бутун шахсий таркибининг профессионал тайёргарлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибиди мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий малакани шакллантиришга, мутахассисларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши ва бўлинмаларнинг юксак даражада уйғун ҳаракат олиб боришини таъминлаш мақсадида, шахсий таркибнинг ўзаро яқин мутахассислик турларини, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу муносабат билан кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳар-

бий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сержантлар корпусини тайёрлашни мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳим вазифаларимиз каторига киради.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама яхшилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашнинг кўп бўйлиги ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарур. Чунки ҳар қайси ҳарбий жамоадаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўйга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор.

Кадрли дўстлар! Армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини чақирқиқча бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбни танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини бугун алоҳида таъкидлаб ўтиришнинг ҳождати йўқ, албатта.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниктириш талаб этилади. Ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армиямизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан фавол фойдаланиш зарур. Бу борада расмийлик ва юзаки ёндашувларга йўл қўймаслик, ёшларимиз қалбиди Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан гуруҳларини ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бундай долзарб ва узоқ мuddатга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қўшида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намоёндалари алоҳида роль ўйнаши керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамиз учун алоҳида кадрли бўлган мана шу қутлуғ айёмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллигини байрам қилар эканмиз, ҳаммагизни, бутун халқимизни Ватан ҳимоячилари кунини билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, бугунги кунда миллий армиямиз сафларига мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ва масъулиятли ҳарбий бурчини бажаришда жонбозлик кўрсатаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳаммагизга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилайман.

Янги – 2014 йилда сизларга, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад, қут-барака доимо ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятининг Фарғона туманида Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан фестиваль бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Фестивалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси, миллий ўйинлар кўргазмаси ташкил этилди. Она, Ватан, тинчлик ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгашига қарашли Бухоро автомобиль мактабининг 75 нафар битирувчи курсанти шаҳардаги ҳарбий қисмда бўлди. Бўлғуси ҳайдовчилар бу ерда аскарлар ҳаёти, уларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди. Оқич спорт мажмуасида курсантлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида аркон тортиш, турникка тортиш, пневматик қуролдан ўқ отиш мусобақалари ўтказилди.

● Навоий шаҳрида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида милиция таянч пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий алоқа воситалари билан таъминлашга қаратиладиган алоҳида эътибор ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

● «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Қорақалпоғистон ҳудудий бўлими билан олинган маълумотларга кўра, маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган жами бир минг 965 корхона ва ташкилотдаги электр ёриткич нукталарининг шу кунга қадар 55,5 мингдан ортиғи тежамкор лампаларга алмаштирилди. Соҳа мутахассислари томонидан муассаса, ташкилот ва корхоналарда электр энергиясини тежаш, сарф-харажатларни камайтириш борасида олиб бориладиган тушунтириш ишлари, бериладиган тавсиялар туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Шу йилнинг баҳоридан эътиборан Ла-Манш бўғози остидан ўтувчи темир йўл хизматида фойдаланадиганлар туннель ичкарасида ҳам мобил телефонда гаплашиш имкониятига эга бўладилар. «Vodafone» компанияси Лондон ва Париж йўналиши бўйича ҳаракатланувчи «Eurostar» поездиди шундай шароит яратмоқда.

● Молиявий-иқтисодий инқироздан жиддий азият чеккан Испания иқтисодиёти аста-секин ўнганмоқда. Мутахассислар ўтган йилнинг куз ойларига келиб, ушбу мамлакат икки йил давом этган рецессиядан чиқишга эришганини ва бунда унинг еврохўд доирасида экспорт кўрсаткичларини яхшилаб олгани муҳим омил бўлганини таъкидлашганди. Умумий натижаларда ҳам бу ўз ифодасини топа бошлаган. Масалан, 2013 йилнинг ноябрь ойида Испанияда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 фоиз ўсган.

● Хитой Халқ Республикаси савдосотик ҳажми бўйича жаҳонда биринчи ўринга кўтарилиб олди. Мамлакат миллий божхона бошқармаси ҳисоботида келтирилишича, 2013 йилда ХХРнинг халқаро савдо кўрсаткичи 7,6 фоиз ўсиб, тарихда биринчи марта 4 триллион АҚШ долларида ошди.

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

«Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Миллий армиямиз юртимизда қарор топан тинч-осойишта ҳаёт, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун ҳам халқимиз Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида кенг нишонлайди. Ҳарбий хизматчиларни осуда ва обод ҳаётимиз

қўриқчилари сифатида эъозлайди.

13 январь. «Туркистон» саройи байрамона безатилган. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари ташир буюрган.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди. (Давоми 2-бетда)



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Уша қундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ана шу тарихий кун — 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан янада такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий-маърифий тайёргарлиги ошди. Қисми ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий ўқув ҳамда машғулотлар илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга қабулнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, шартнома асосида хизмат қилувчилар сафининг кенгаётгани, сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани натижасида армиямизнинг қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат ёшларда мустақам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқлиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди.

Бунинг натижасида ёшлар орасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётган. Йигитлар бундай шарафга лойиқ бўлиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда. Болалигидан спорт билан шугулланиб, фанларни чуқур ўрганиб, жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинаётгани армия сафларини жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти юқори йигитлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Янги — 2014 йил байрами арафасида ҳам юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Минглаб ҳарбийларимиз байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдориди имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бу уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириб, касб-хунар эгаллаши, ҳаётида ўз ўрнини топишида катта имконият яратмоқда.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ўзбекистон — ягона Ватан!» шиори остида нишонланмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталиқни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 10 январдаги фармонида мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муно-

сабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, подполковник Отабек Камолов. — Мен ана шу бойлиқни асраб-авайлаш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Президентимиз фармонида мувофиқ, шундай тантанали шароитда Ватанимизнинг юксак орденини кўксимга тақиш менга янада ғурур-ифтихор бағишлайди. Бундай ишончини оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъанага айланган танловга асосан энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси аниқланди. Тадбирда ана шу танлов голибларига диплом ва совғалар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Шухрат» медали соҳиби, капитан Абдорбек Ибрагимов, «Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант Нозимжон Иброҳимов, аскар онаси Муяссар Воҳидова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар байрам катнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Пойтахтимизда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлар иштирокида «Жасорат дарслари», «Авлодлар учрашуви», «Эъзоз», «Эҳтиром», «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Яккасарой туманидаги «Қушбеги» тўйхонасида ўтказилган тадбир ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

Туман ҳокимлиги ва мудофаа ишлари бўлими, маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар онгига муқаддас Ватан ҳимоячиси деган муқаддас тушунчани сингдириш, келажақда соғлом бола таволидида эл-юрт осойишталиги посбонидан иборат.

Фарзанд тарбиясида Ватанга садоқат ва ҳурмат, унинг тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш тушунчаларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди заҳирадаги полковник, тиббиёт фанлари номзоди, Марказий ҳарбий клиник госпитал фахрийлар кенгаши раиси Баҳромжон Муродов. — Шу боис ор-номусли инсон халқи, мамлакатни манфаатларини ҳар нарсадан устун қўяди, уни асраб-авайлашга интилади. Юртимиз зами-нида дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар, олиму фузалолар ўтган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Нажмиддин Кубро, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур каби буюк бобоқалонларимизнинг мардлиги, жасорати, бунёдкорлик



салоҳияти ёшларга ўрнак бўлмоқда.

Кўтаринки руҳда ташкил этилган тадбир давомида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги хореография коллежи, Республика эстрада-цирк коллежи ўқувчилари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Қуролли Кучлар ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Тадбир сўнгига фаол иштирок этганлар туман ҳокимлиги ҳамда мудофаа ишлари бўлими томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Камола РЎЗИЕВА

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Соғлом авлод учун» ҳукуматта қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда маданий тадбир ташкил этилди.

ҲАРБИЙЛИК — ЙИГИТ КЎРКИ

— Бизнинг олий ҳарбий билим юртимизда Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маданият, санъат ва спорт соҳаси намояндалари иштирокида бундай маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. — Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, тизимга қаратилаётган эътибор биз, курсантларнинг қалбида ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини янада юксалтиради, — дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг 4-босқич курсанти Бекзод Абухалимов. — Зеро, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғларга эга миллий армиямиз

сафларида хизмат қилиш юртимизнинг ҳар бир ўғлини учун юксак шарафдир.

Дарҳақиқат, ҳарбийлар либосига ҳавас қилмайдиган юрт ўғлини бўлмас керак. Чунки ҳарбийлик ҳар қандай йигитнинг кўрки ҳамда садоқат, жасорат, матонат, мардликнинг мустақам ишончи ва ифодасининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Унинг масъулияти ҳам шунчалик залворли.

Тадбир давомида мард, жасур ва фидойий ҳарбий хизматчилар ҳамда курсантлар учун «Сўғдиёна» ўзбек миллий чолғулари камер оркестри иштирокида концерт дастури намойиш этилди, бир гуруҳ курсантлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Даврон РЎЗМЕТОВ

Ҳамза туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб аскар оналар иштирокида тадбир ўтказилди.



АСКАР ОНАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман Мудофаа бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда кунни тунга улаб, фарзандини ардоқлаб вояга етказиб, элу юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси, унинг сарҳадларини қўриқламоқ учун камарбаста бўлишга замин яратган аскар йигитларимизнинг мунис ва меҳрибон оналари муборакбод этилди.

Тадбир давомида аскар ўғлонларнинг Ватан олдидаги ўз конституциявий бурчи-

ни шараф билан ўтаб, ҳарбий хизматда жанговар, маънавий-маърифий ва сиёсий тайёргарликда ижобий натижаларга эришганлиги ҳамда Ватанга муносиб фарзандлар вояга етказганлиги учун оналарга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Уч ўғлим ҳам ҳарбий. — Кичик ўғлим Мухиддин Салоҳидинов ҳозирда Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмда хизмат қилмоқда, — дейди «Донишманд» маҳалласида истиқомат қилувчи

Ноҳира Даминова. Фарзандим

хизмат қилаётган бўлинмалардаги шарт-шароитлар билан танидим. Ҳарбий хизматга бориб, Ватани ҳимоя қилишда муқаддас бурчга мушарраф бўлишганидан беҳад қувонаман. Нафақат фарзандлар, балки оналар ҳам шарафланаётганидан Президентимиздан миннатдорман. Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Тумандаги «Тенгдош» маданият уйи бадий-хаваскорлик жамоаларининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. «Истеъдод» театр студияси томонидан тайёрланган байрам табриги, «Наво» вокал-чолғу ансамбли хонандаларининг Ватан ҳақидаги куй-қўшиқлари, жажжи қизалоқларнинг рақслари барчага манзур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислам Исмоилов
олган сурат

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Адлия органлари томонидан Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан жойларда турли ҳуқуқий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Ҳамза туманидаги Ички ишлар вазирлиги Қорув қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда ташкил этилган «Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир» мавзусидаги маърифий-ҳуқуқий тадбирда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасини қучайтириш бора-сида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги қонунийлик этилган ҳақида аҳолига сўз юритилди.

Кайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг бир йил этиб белгилангани ҳарбий қақрув сифати ва самардорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ёшларимизнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни юксак шараф деб билаётгани ҳар бир ота-она қалбида фахр-ифтихор туйғуларини қучайтирмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондон Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз хавфсизлигини, сарҳадларимизни мустақам ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, юртимизда миллий армиямиз ва ҳарбий хизматга муносабат тубдан ўзгаргани, тезкор замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган профессионал армия шаклланишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий ва жанговар тайёргарлигини ошириш бора-сида уларнинг оилаларига қўлай шарт-шароит яратишга, ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тегишли имтиёзга эга бўлмоқдалар. Ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин туланидиган нафақалар миқдори бир неча баробар оширилди. Барча зарур уй-рўзгор буюмлари билан жиҳозланган хизмат турар жойлари қурилаётган амалий инфоасидир.

Энг муҳими, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ҳамда осойишталигини таъминлаш ишончи қўлларда деб айта оламиз. Сафаримизда ана шундай ўз Ватанига ҳамда бурчига садоқатли мард ва жасур ўғлонларимиз бор экан, дамек, юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осуда турмушига ҳеч ким ва ҳеч қандай куч таҳдид сола олмайди.

Тадбирда ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтаётган ҳарбийларнинг ёш оилаларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбири)из

ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида туғилиб вояга етган, академик лицей ва касб-хунар коллежларида замонавий билимларни пухта эгаллаган, кенг дунёқарашга эга йигитлар миллий армиямиз сафларида қатъий ирода, фаол мустақил ҳаётий позицияси орқали ўз конституциявий бурчларини сидқидилдан шараф билан адо этмоқдалар. Жонажон Ватанимиз ҳимояси ва хавфсизлиги йўлида доимо сергак ва ҳушёр ватанпарвар аскарлар билан ҳар қанча фахрлансақ, ғурурлансақ арзийди.

— Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва янги техникалар билан таъминлаш бўйича сўнгги йилларда кенг миқёсдаги ишлар амалга эгилган, — деди жумладан Марказий ҳарбий клиник госпитал бошлиғи, полковник Худойкул Раҳимқулов тадбирни очар экан. — Жумладан Қуролли Кучлар бўлинмалари модернизация қилиниб, замонавий ҳарбий техника билан жиҳозланди. Қуролли Кучларимиз қуч-қудрати, салоҳияти сезиларли даражада ошди, жанговар тайёргарлик бўйича янги босқичга кўтарилди.

Айни дамда қуқур билимга эга, интеллектуал савияси етуқ офицерлар, янгича ўқув-техник, илм-фан йўналишлари асосида тахсил олаётган сержантлар, жисмонан бақувват, руҳан тетик, ҳар жиҳатдан соғлом аскарлар ҳарбий хизматнинг ўзагини ташкил этади. Тадбир давомида юртимиз мудофааси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқаролар тинч-осуда ҳаётининг посбонлари бўлган Ватанимиз ҳимоячилари байрам муносабати билан муборакбод этилди, «Ўзбегим ёшлар» гуруҳининг концерт дастури намойиш қилинди. Унда ёшлар гуруҳи ижросидаги ҳарбийлар ва мазкур касб эгаларининг фидокорона хизматларини улуғловчи «Лейтенант», «Йигитлар», «Бор бўлсин, Ўзбекистон!», «Меҳнат», «Бормайман, деди» сингари ўнлаб бетақор қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тадбир якунида хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик кўрсатаётган Қуролли Кучлар аскарлари фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар кўплаб жамоат тузилмалари қатори Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятида ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўтган даврда Экоҳаракат томонидан атроф-муҳитни муҳофазалаш ва экологик барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда жамоатчиликнинг фаоллигини кучайтиришга йўналтирилган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, жойларда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Бу жараёнда экологик қонунчиликни таъминлаштириш истиқболлари, барқарор ривожланишга оид илгор тажрибаларни омаллаштириш, аҳолининг экологик билим ва дунёқарашини бойитиш, экологик туризм ва таълимни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик лойиҳалар самараларидан хабардорлигини ошириш ва бундай тадбирларда халқимизнинг фаоллигини кучайтириш мақсадида журналистлар иштирокида жойларда медиа-турлар ташкил этилмоқда. Аънанавий тарзда ўтказилаётган республика экожурналистика танлови экология соҳасига ихтисослашган журналистларнинг фаолиятини янада ривожлантириш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётди.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭЗГУ ИШЛАР КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг 2013 йилдаги фаолияти сарҳисоби ва Соғлом бола йилидаги вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ташаббускорлиги асосида янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалдаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ўндан зиёд лойиҳалар юзасидан иш олиб борилди. Бу жараёнда қатор ташкилотлар билан тараққий этган мамлакатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирлари, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани самарасида 2013 йил 27 декабрда «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашга оид ишлар кўламини янада кенгайтириш ва барқарор ривожланишга эришишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида парламент ва депутатлар фаолиятини янада ривожлантириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгилаб берилди. Баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб борилаётган эзгу ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинди.

Соғлом бола йилидан қўзланган эзгу мақсадларнинг тўлиқ рўёбга чиқиши кўплаб омиллар қатори соф экологик муҳитга ҳам боғлиқ. Бу жараёндаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг 2013 йилдаги фаолияти таҳлил этилди ва истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Бельгиянинг Лювен шаҳрида ўтган халқаро туризм ярмаркасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИАТИНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ НАМОЙИШИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, янги туристик маршрутлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси халқаро сайёҳлик кўргазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг бу соҳадаги салоҳиятини кенг намойиш қилиб келаётди.

Бельгияда ўтказилган сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги улкан салоҳияти ва кенг имкониятлари намойиш этилди. Европа минтақасидаги йирик халқаро сайёҳлик ярмаркаларидан бири бўлган ушбу аънанавий тадбирда бу йил қирқдан ортиқ мамлакатдан кўплаб сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди. Кўргазма сайёҳлик саноатининг бarchа замонавий йўналишларини, жумладан, меҳмонхона ва ресторан сервис, бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экзотика ва экстремал туризм, соғломлаштириш ва круиз каби тармоқларга оид қатор бўлимларни ўзида муҳассам этди.

Ушбу нуфузли форумдан жой олган «Ўзбекистон» миллий тенди ўзига хос дизайни билан кўргазма иштирокчилар ва меҳмонларидан катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимиз қадимий шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, буклет ва нашрлар, халқ амалий санъати намуналари сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ярмарка доирасида Ўзбекистоннинг қадим ва навқирон шаҳарлари, бетакрор тарихий ва меъморий обидалари, ранг-баранг маданияти, урф-одат ва аънаналари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди. Унда мамлакатимизнинг турли соҳаларда эришяётган муваффақиятлари ҳамда миллий туристик инфратузилмани такомиллаштириш борасидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Тиббиёт

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Республика Шошилич тез тиббий ёрдам марказида маҳаллий мутахассислар ҳамда Финляндиядан келган нейрохирурглар иштирокида анжуман ўтказилди.

Унда мамлакатимиз тиббиёти, хусусан, нейрохирургия соҳаси ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, ушбу соҳани янада такомиллаштиришда хорижлик мутахассислар билан амалга оширилаётган ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз борди.

Анжуманда қатнашган финляндиялик нейрохирурглар мамлакатимиз шифокорлари томонидан тиббий соҳада қўлга киритилаётган ютуқларга юқори баҳо беришди.

Эътиборлиси, анжуман қатнашчилари бу борадаги икки томонлама ҳамкорлигини янада кучайтириш фойдадан холи эмаслигини таъкидлаган ҳолда келгуси режаларни белгилаб олишди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Республика Шошилич тез тиббий ёрдам марказида бир неча кун давомида маҳаллий ва финляндиялик нейрохирурглар иштирокида ноёб жарроҳлик операциялари амалга оширилди.

Анвар ЁҚУБОВ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида янгидан ташкил этилган «Каналарни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарма» қўйидаги ишталарга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи;
Иқтисодчи;
Ҳисобчи;
Ишчи ирригатор;
Ободонлаштириш ишчиси;
Канал назоратчиси;
Трейлер ҳайдовчилари;
Сачман ҳайдовчилари;
Автобус (ISUZU) ҳайдовчилари;
Автоқўтарма (автовишка), автокран, занжирли ва ғилдиракли бульдозер машинистлари.

Ишга танлов асосида қабул қилинади. Маошлар шарт ҳадвали асосида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Темурмалик кўчаси, 3-А» (собиқ 3-сон Трамвай-троллейбус депоси биноси) уй.
Телефонлар: +99890 994-71-72, +99890 998-15-52.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога «SOVPLASTTAL» ОАЖ қураётган кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта қазни кўчаси, 35а-ва 35б-йи мазнида жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-ишотлар тасдиқланган қўйилимда. Бошланғич баҳоси – 5 371 371 000 сўм.

Савдо 2014 йил 3 февраль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушук). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 31 январь кунин соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 3 февраль кунин сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 10, 17, 24 февраль, 3, 10, 17, 24, 31 март ва 7 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 10 февральдаги савдо учун 28 февраль, 17 февралдаги савдо учун 14 февраль, 24 февралдаги савдо учун 21 февраль, 3 мартдаги савдо учун 28 февраль, 10 мартдаги савдо учун 7 март, 17 мартдаги савдо учун 14 март, 24 мартдаги савдо учун 20 март, 31 мартдаги савдо учун 28 март, 7 апрелдаги савдо учун 4 апрель кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қўйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Савдо қўлибига 10 иш кунин ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-соти шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сябон ф-даги х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 14-уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Танловлар

ЭНГ ЁШ ТИББИЁТ ХОДИМИ

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳақида Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Энг ёш тиббиёт ходими» кўриқ-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Илк маротаба ўтказилаётган танловда туман босқичларида ғолиб чиққан туман тиббиёт билимларининг 11 нафар тиббиёт ходимлари ўз ҳақида маҳоратларини намойиш этдилар.

— Бу танлов ёш ходимларимизни ўз ишларидаги масъулият билан қарашга, ҳушёр бўлишга, Қонунларимизга ҳурмат ҳисси билан ёндашишга даъват этиш билан бирга уларнинг онг ва тафаккурларини ҳам қарқайди, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов. Дунёнинг ҳеч қаеридида бизнинг давлатчилик халқига ғамхўр, меҳрибон юрт бўлмаса керак. Зеро, дунё экспертлари томонидан ҳам юксак баҳоланган оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси бутунги кунда ўз тасдиғини топомқда. Тиббиётчилар эгидидаги оппоқ ҳалат уларнинг қалб тозаллиги билан уйғунлашиб кетиши лозим. Бу танлов шахс саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маънавияти юксак тиббиёт ходимларимизнинг иқтидори, очилган қирраларининг бир кўринишидир...

Танловда биринчи ўрин Миробод туманидаги 3-оилавий поликлиника

ҳамшираси Феруза Суннатиллаевага, иккинчи ўрин Юнусобод туманидаги 56-оилавий поликлиника ҳамшираси Нозима Каримовага, учинчи ўрин эса Шайхонтоҳур туманидаги ОИТС га қарши кураш марказининг эпидемиолог врачни Акмалжон Саидовга насиб этди.

— Мен танловда ғолиб чиқаман деб ўйламагандим, — дейди биринчи ўрин соҳибаси Феруза Суннатиллаева. — Танловга тайёрланиш баробарида Қонунларимизни янада мукамалроқ билиш имконига ҳам эга бўлдим. Тенгдошларимдан ҳам кўп нарсга ўргандим.

Ҳа, инсон соғлигини муҳофазалашдек долзарб вазифани ўз зиммасига олган шифокорларнинг самарали меҳнатлари таҳсинга лойик. Бинобарин, ҳуқуқ соҳасидаги билимларини халқ кўз ўнгидида намойён қилиб олқишларга сазовор бўлиш ҳам уларнинг ўта зукко, изланувчан ва ҳар қандай ишга лаёқатли эканликларини исботлаб берди.

Танлов сўнгидида ғолиблар совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа

МАКТАБДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ҳамза туманидаги 198-мактабда пойтахтимиздаги мактабларнинг миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчилари иштирокида «Хушёрлик ва огоҳлик — давр талаби» мавзусида семинар ўтказилди.

— Ушбу тадбир Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари учун ноанъанавий очик дарс шаклида ташкил этилди, — дейди институтнинг ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси Саодат Шермухаммедова. — Мактабда ушбу фан бўйича таълим-тарбия бераётган ўқитувчининг миллий маънавиятимиз, тарихий қадрият ва аънаваларимизни ўқувчилар онгига сингдириш ва билим беришдаги педагогик маҳорати, илгор тажрибаларини оммаллаштириш, шу орқали ёшларда маънавиятимизга ёт иллатлардан огоҳлик ва уларга қарши курашиш иммунитетини ҳосил қилиш кўчма семинардан қўзланган асосий мақсаддир.

Уйин тарзида ташкил этилган мазкур дарсда мактабнинг еттинчи синф ўқувчилари «Аланга» ва «Хушёрлик» жамоаларига бўлинган ҳолда танишув, деворий газета, «Ўйла, изла, топ: қадриятлар, обидалар» савол-жа-

воб ҳамда слайдлар намойиши сингари бешта шарт бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Нигора Алимбекованинг очик дарс давомида қўллаган «feedback» — «қайтиш реакцияси» методи ёрдамида икки жамоа аъзолари берилган битта мулоҳазали саволга бир-бирларини тақрорламасдан кетма-кет турлича жавоб қайтаришди. Шу тариқа аниқ ва тўғри жавобни айтган жамоа ғолибликни қўлга киритди. Айрим шартларнинг инглиз ва рус тилларида олиб берилгани эса тадбирга айланган ноанъанавий дарснинг ўзига хос ва эътиборли жиҳати бўлди.

Шунингдек, тадбир сўнгидида миллий маънавий-маданий меросимиз, халқ санъатига оид мавзуда «Сато» гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Тоир Қўзиёев билан уштирилган давра суҳбати ўқитувчи ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилшод РАҲИМОВ,
талаба

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз олдига маълум бир шарафли ва муқаддас мақсадлар, орзу-истакларни қўя билиши зарур. Ва албатта, бунинг учун умри давомида фақат ҳалол меҳнат ва ғайрат билан сабр-тоқатли, иродали бўлсагина ўз эзгу мақсадларига эришиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечириши мумкин бўлади.

Яна шуни унутмаслик керакки, ушбу мақсадларга эришиш учун ақлу идрокли, шижоатли бўлиш ҳам талаб қилинади.

Демак, ҳар қандай муваффақиятлар қалити (хоҳ у кичик бўлсин, хоҳ катта бўлсин) биринчи навбатда, инсоннинг иродали ва ғайратли бўлишига, ҳалол ва пок меҳнат қилишига, сабр-тоқатли, чидамли, шижоатли бўлишига ва албатта, барча қийинчиликларни ўз ақли ва иродаси билан енгиб ўттишига боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай юксак фикр ва ғоялар, гўзал ҳис-туйғулар, дилдаги эзгу ниятларга эга бўлинсаю лекин уларни амалга ошириш учун инсонда сабр-тоқат, кучли ирода, ақл-идрок каби сифатлар

МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

етишмаса, бирорта муваффақиятга эришмоқ ҳақида ўйлаш ҳам ноқошидир.

Ҳозирги ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар жадал ривожланаётган бир вақтда барча соҳаларда меҳнат қилаётган ёшларимизнинг ҳам ушбу ривожланишда ўз ўрнини топа билишлари ҳам муваффақиятларга эришишнинг зарур омилларидан биридир. Бу дегани ёшларимиз ўз билим даражасини, малакасини давр талабига монанд ҳолда доимо ошириб боришлари керак бўлади. Акс

ҳолда, ушбу жараёндан ортда қолиб кетиши натижасида юксак муваффақиятларга эришиш амримаҳол бўлиб қолади. Бой берилган фурсат кейин қайтиб келмайди.

Бинобарин, муваффақиятлар қалитига эга бўлиш учун ёшларимиз тинчйи илм олишлари ва ўз малакаларини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ошириб боришга интилишлари керак. Ана шундагина хайрли натижалар ўзини кўтириб қўймайди.

Ҳамиджон
ТОҲИРЖОНОВ

Спорт янгиликлари

БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Халқаро теннис федерацияси томонидан дунёнинг энг кучли теннисчилари рейтинг эълон қилинди.

Унга кўра мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Денис Истомин 49-поғонада қайд этилди.

Аввалги рейтингда 50-ўринни эгаллаган Денис Истомин янги жаҳвал якунига кўра бир поғона юқорилади.

Рейтинг жаҳвалида Рафал Надал карвонбоши бўлиб турган бўлса, ундан кейинги ўринни Роже Федерер банд этган.

Уммонда футбол бўйича 22 ёшли чарм тўп усталари ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионати Шухрат Мақсудов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари ғалаба билан бошлашди.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Учрашув тафсилотида қисқача тўхталишдан аввал шунини таъкидлаш жоизки, ёшлар терма жамоамиз китба биринчилигига 4 декабрдан тайёргарлик кўра бошлади. Аввал Тошкентда, кейин БААнинг Дубай шаҳрида уюштирилган машғулот йиғинлари доирасида икки маротаба клубларга қарши ўтказилган назорат-ўртоқлик бахсларида қатнашди.

Китба биринчилигининг «D» гуруҳида Хитой, Ироқ, Саудия Арабистони терма жамоаларига қарши майдонга тушиши аниқ бўлган ёшларимизнинг имкониятлари қай даражада эканлигини ҳали кўпгина мутахассислару мухлислар билишмас эди.

Осиё чемпионатининг дастлабки учрашувида ёшларимиз хитойлик тенгқурларига қарши майдонга тушишди.

Учрашувни футболчиларимиз кўтаринки руҳда бошлашди. Дастлабки 25 дақиқа ўйин Мақсудов шогирдларининг устунли-

гида ўтди. Аммо 30-дақиқадан кейин ўйин тенг курашлар остида кечди. 34-дақиқада ҳимоячиларимизнинг хатосидан унумли фойдаланган Янг Чао Шен кучли зарба билан Турсунбоев кўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиб хитойликларни 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлим эса тўлалигича ҳамюртларимизнинг устунлигида ўтди. Рақиб дарвозасига жуда кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Ҳатто учрашув 1:0 ҳисобида хитойликлар ғалабаси билан якунланди-гандек эди. Лекин учрашувга қўшиб берилган қўшимча 4 дақиқа ёшларимизга омад олиб келди. Аввалига Кримец жамоасидан ҳужумчи самарали яқунлаб, ҳисобни тенглаштирган бўлса, орадан бир дақиқа ўтмай Жамшид Искандаров кучли зарба билан рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олди. Ушбу ғалаба ёшларимиз терма жамоасига муҳим уч очкони ҳада этди.



Муҳаммад Амин (ўзА) олган сурат

МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

Футбол бўйича мамлакат XXIII миллий чемпионати ҳамда Осиё чемпионлар лигаси турнирига жиддий ҳозирликнинг биринчи bosқичини «Бунёдор» жамоаси декабрь ойидан бошлаган эди.

Унда асосан футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигига мураббийлар эътибор қаратишди. Дарвоқе, шу кунгача «Бунёдор»ни етакчи футболчилар Игнатий Нестеров, Лутфулла Тўраев, Жасур Ҳасановлар тарқ этишган бўлса, улар ўрини жамоа мураббийлари Павел Бугало, Воҳид Шодиев, Жаҳонгир Жиямуродов сингари тажрибали чарм тўп усталари

ҳисобига тўлдиришди.

Энди Ўзбекистон чемпиони январь ойининг иккинчи ярмида аввал БААда, кейин Туркияда ўқув-машғулот йиғинларини давом эттиради. Машғулотлар доирасида Россиянинг «Спартак», «Ростов», «Динамо» жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштирилади.

Акбар Йўлдошев

2014 йил – Соғлом бола йили

ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЗАКОВАТ БЕЛЛАШУВИ

Тошкентда «Билимлар беллашуви» танловининг туман bosқичлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловда истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш асосий мақсадлардан биридир.

Туманимизда 1000 нафарга яқин ўқувчи инглиз тили, математика, физика, информатика,

ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар бўйича ўз билимини синовдан ўтказди, – дейди ЎзА муҳбирига Чилонзор тумани халқ таълими муассасаларини услубий таъминлаш ва фаолиятини ташкил этиш бўлимининг мониторинг бўлими раҳбари Феруза Валиева.

Техника ва фан тараққиёти жадаллик билан ривожланаётган XXI асрда хорижий тилларни ўрганмай туриб бирор-бир муваффақиятга эришиш мушкул.

Таълим

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шу боис ҳам кейинги йилларда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари катта имконият яратиб берилмоқда.

Яқинда шахримизда туризм соҳаси йўналишида академик лицейлар, касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчилари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази ташаббуси билан уюштирилган анжуманда инглиз тилининг жаҳон халқлари орасида тугган ўрни, ушбу тилни талабаларга ўргатишнинг истиқболли йўналишлари, туризм соҳасида тахсил олаётган талабалар учун педагоглар томонидан қўлланилиши лозим бўлган методик қўлланмалар ҳамда тавсияларнинг аҳамияти ҳақида атрафлича фикр алмашилди.

Буюк Британиядан келган мутахассислар иштирокида ўтган анжуманда инглиз тилини талабаларнинг пухта ўрганишларига замин яратиш режалари белгилаб олинди.

Анвар Йўлчиев

Ушбу саёҳат «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида болаларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавийтини юксалтириш, орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ҳусусан, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом бола йили муносабати билан ташкиллаштирилган ушбу тадбир ҳам мазкур йўлдаги эзгу ишлардан дид. Саёҳат давомида бола-

ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ УНУТИЛМАС САФАРИ

Тошкент шаҳри ва вилоятидаги Меҳрибонлик уйлариининг 100 нафар тарбияланувчиси Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

жонлар қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг ноёб меъморий обидалари ҳамда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йилларида шаҳарда барпо этилган мухташам иморатлар, маданий-маърифий иншоотлар, сайилгоҳлар ва боғларни томоша қилди.

Рўйи замин сайқали сифатида жаҳонга машҳур Самарқанд ҳақида китобларда кўп ўқиган эдим, – дейди пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Асқар Ниясов. –

Аммо уни кўриш ва томоша қилиш бошқача экан. Бу саёҳатдан сўнг менда Ўзбекистонимиз, жумладан, гўзал Самарқанд тарихини чуқурроқ ўрганишга қизиқиш янада кучайди.

Жаннатмонанд юртимизнинг тарихий жойлари бўйлаб уюштирилаётган бундай тадбирлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бетакор маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎзА муҳбири

равон, яқинроқ йўллар қаёқда эди?!

СУЯНЧИҚ

Дарахт кўп йил яшаб қаригач, қуриди. Бир кун баҳорги шамолга дош беролмай йиқилди.

— Олдимда тўғаноқ бўлиб турувди, қутилди, энди роса яйрайдиған бўлдим, — деди йиқилган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

Хиёл вақт ўтган шамол ниҳолга ҳамла қилди. Бўш-баёв ниҳол ўзини тугулмай ерга ёнбошлади. «Тўғаноқ»ни эслади. «Билмаган эканман, меҳрибонгиз,

қуриганингдаям суянчигим бўлган экансан-а!»

ЗАНГ КАСАЛИ

Ўчоққа тўнтарилган қозоннинг тагида олов лов-лов ёнади. Шўрваси милт-милт қилган қозон эса ундан ҳайрон:

— Шеригимнинг ичини нега куйдираясан? — деди оловга.

— Ишламай қолган ётаверганидан занг касалига мубтало бўлган экан. Куйдириб даволаяман, — деди олов ўчоқдан қип-қизил тилини чиқариб.

ҲАСАД

Таниқли полковнинг омади келиб, курашда не-не рақибларни доғда қолдирди. Йиқитдио йиқилмади. Рақиблардан бирининг оғайини си полковнинг ютуғига тан бергиси келмай, мийғида қулиб қўйди.

Тасодиф юз берди. Кураш майдонидан мардонча чиқиб келаётган полвон беҳосдан тийғониб, чўккалаб қолди, ҳалиги киши шуни кутган эканми, уни изза қилгандек хоҳлаб юборди.

Шундайлар бор: тоғдек ютуғининг ҳасад пардасига яшириб, зарардек нуқсонингни ошириб-тоширадилар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Қонун ва ижро

ТАБИАТ МУҲОҒАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи билан ҳамкорликда ноёб наботот ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш ҳамда бундай ҳудудларни кенгайтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ишхотлар самарасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш экологик мувозанатни таъминлаш, ноёб табиий иншоотлар, ландшафтлар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар фондиди сақлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айти пайтда мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 9,1 миллион гектарга етади.

Мамлакатимизда табиатни асраш, унинг бойликлари-дан оқилона фойдаланиш, кўриқоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборда. Бу борадаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон 1995 йилда биологик хилма-хилликни асраш бўйича халқаро конвенцияга аъзо бўлган. Биохилма-хилликни сақлаш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш мақсадида қатор халқаро лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни ушбу соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди. Ушбу қонун ижроси борасидаги ишлар самарасида мамлакатимизда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар йилдан йилга кенгаймоқда. Уларда миллий ҳамда халқаро «Қизил китоб»ларга киритилган, йўқолиш эҳтимоли бўлган наботот ва ҳайвонот турлари муҳофаза қилинмоқда. Жайрон, қулон, Бухоро тоғ эчкиси каби жониворлар, сумбул қоврак, етмак, тўбегон, Нурота лоласи каби ўсимликлар шулар сирасидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Қўйи Амударё давлат биосфера резервати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан «Бадай-тўқай» давлат кўриқонаси базасида 68 минг 717 гектар майдонга эга Қўйи-Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилди. Унинг 11 минг 568 гектари қатъий муҳофазага олинган.

Анжуманда мамлакатимизнинг доимий муҳофазада бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси bosқичи-босқич охири тартибда ўтказилади-ган очик аукцион savдосига таклиф этади!

Савдога такоран Учтепа тумани суд ижроичилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманлараро судининг 11.10.2012 йилдаги 1-6799/12-сонли ижро варақаларига асосан хатланган «Шаркли Мелиса» МЧЖ жарима майдонида сақланаётган «Нексия DОНС-2» русумли д/р О1 О62ВА бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 26 908 000 сўм.

Аукцион savдоси 2014 йил 4 февраль кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 31 январь кuni соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан туман суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гувоҳнома №006231.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати **Учкун Қудратович ШАЙИМКУЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Ол-мазор тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Саодат Ортиқова отаси

Хайрихан ИСМАИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



даржага соғуқ, кундузи — 4-6 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 15-16 январь кунлари Тошкент

Тошкент шаҳрида 15 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, кечкурун моддаларининг бир оз тарқал-қорға айланши эҳтимоли бор. Фарбдан секундиға 5-10 метр тезлиға шамол эсиб, 12-17 метр тезлиға кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 0-2



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Ғ- 156

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12877 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.10